

**Бекмирзаев Мирзохид**

**Хайиталиев Отабек**

*Наманган муҳандислик-технология институти*

**Аннотация:** Уибу мақолада камбагаллик муаммоси, унинг асл мазмун-моҳияти, камбагалликни камайтириши борасида амалга оширилаётган ижобий ишлар, камбагаллик муаммосини камайтириши йўналишилари тўгрисида баён қилинган.

**Калит сўзлар:** аҳоли, ижтимоий сиёсат, ижтимоий ҳимоя, камбагаллик, мулк, тадбиркорлик.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларни ўқлаб-қувватлаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш борасидаги ишлар доимий тарзда диққат-эътиборда бўлиб, бу ишларни самарали амалга ошириш мақсадида бир қатор давлат дастурлари доирасида ижобий ишлар амалга оширилмоқда, ночор оилаларга ҳар томонлама моддий ва маънавий кўмак бериб келинмоқда.

Мамлакатимиз Президенти ўз Мурожаатномаларида: “Баъзи одамлар ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам пулинни тўлаш ёки уларнинг миқдорини ошириш орқали ушбу муаммони ҳал этиш мумкин деб ўйлади. Бу – бир томонлама ёндашув бўлиб муаммони тўла ечиш имконини бермайди. Камбагалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик рухини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир”, - деб алоҳида таъкидладилар.

Президентимиз топшириғига кўра, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредитлар ажратиш соддалаштирилди. Ушбу маблағларни самарадорлиги юқори ва кафолатланган иш ўринлари яратадиган кичик ишлаб чиқариш лойиҳаларига йўналтириш муҳимлиги таъкидланди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодий жиҳатдан бақувват ривожланган мамлакатларда ҳам аҳолининг камбагал қатлами бўлиши, яъни жамиятда моддий жиҳатдан табақаланиш ҳолати кузатилиши мумкин. Иқтисодий ўсиш суръати юқори бўлиб, аҳолисининг камбагаллик даражаси ўзгармайдиган мамлакатлар ҳам топилади. Бу одатда аҳолиси тез кўпайиб, иқтисодий ўсиши фақат айrim соҳаларда бўлаётган давлатларда кузатилади. Бой мамлакатлар аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириб, масалани маълум даражада ечиши мумкин. Бирок, бу масаланинг тўлиқ ечими эмас.

Аксарият ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш камбагалликни камайтиришда энг муҳим омил ҳисобланади. Юртимизда ҳам юқоридаги тажрибадан

келиб чиқиб, аҳолини тадбиркорликка ўргатиш, касбий малакасини ошириш орқали камбағалликни камайтириш энг асосий масала сифатида белгиланди. Бу борада тадбиркорлик яхши ривожланган ва аҳоли зич жойлашган ҳудудлар атрофида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ва бўш турган ер майдонларида кичик саноат зоналари ташкил этиш таклифи ғоят катта аҳамиятга эга. Бу зоналарда зарур инфратузилма яратиш учун бюджетдан катта маблағлар ажратилиши белгиланди.

Маълумки, бугунги кунда дунёнинг энг тараққий топган давлатларидан бири бу Хитойдир. Хитойда ҳар бир раҳбар ходим (айрим манбаларда 2,9 миллион давлат хизматчилари деб қўрсатилган) ҳалққа ғамхўрлик қилиши ва тўрт-бешта оиласи ўз ҳомийлигига олиши белгиланган. Кам таъминланганларга ижтимоий нафақалар ўрнига уруғлар, кўчатлар, микрокредитлар, ахборот хизматлари, технологик ёрдам, мукофотлар ва бошқа турдаги рағбатлантиришлар ажратилади. Аҳолига бозор иқтисодиёти шароитида ишлаш ва молиявий саводхонлик асослари ўргатилади. Бундан ташқари, жойларда маҳаллий чорвачилик, дехқончилик ва бошқа йўналишлар бўйича курслар олиб борилади. Ҳар бир оила аъзоси камидан битта касбни эгаллаши шарт. Мухтоҷ оиласарга яшаш шароитларини яхшилаш учун 100 минг юань (14 минг АҚШ доллари атрофида) миқдорида маблағ ажратилади. Маҳаллий ҳокимият кўмаги билан кам таъминланган оиласарда таъмирлаш устахонаси, фермер хўжалиги ёки кичик ишлаб чиқариш цехи ташкил этилади. Аҳолининг кам таъминланган қисмига ижтимоий кафолатлар - таълим, тиббий хизмат ва уй-жой берилади.

БМТ бош котиби Антониу Гутериш ҳам Хитойнинг бу борада эришган ютуқларини юқори баҳолаб, Хитойда 700 миллиондан ортиқ (айрим манбаларда қарийб 800 миллионга яқин) киши камбағалликдан қутулганини, бу эса бутун дунё бўйича камбағалликнинг кескин қисқаришига олиб келганини таъкидлаб ўтди.

Бугунги кунда юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиб бораётган давлатлардан бири бу Финляндиядир. Финляндия узоқ вақт давомида камбағал ва ажралиб қолган мамлакат эди. Аҳолининг турмуш даражасини илк ўрганиб чиқиши, яъни 1830 йилларда Фин иқтисодиёт жамияти томонидан тайёрланган ҳисобот, мамлакатнинг қитъа қисмидаги барча қишлоқ аҳолисининг дараҳт пўстлоғи билан аралаштирилган нонни истеъмол қилаётганини кўрсатди. Қашшоқлик Финляндиянинг қишлоқ ҳудудида яшовчи учун бутун умрлик тақдирни англатар эди.

XX асрнинг бошларида камбағал оиласар учун сигирларни олиб бериш ёки ижарага бериш орқали ёрдам берилар эди. Камбағал оиласар жамоатга тегишли сигирлар ёрдамида, қишлоқ ҳудудидаги одатий ҳаёт тарзини давом этиш, фермерлик бўйича қўникма ва билимларни олиш, ҳаттоқи сариёғ ва пишлоқ сотиш орқали озгина бўлса ҳам даромад олиш имкониятига эга бўлардилар. Кейинчалик, қашшоқлик билан курашиш сиёсатининг воситалари бўлиб, кичик фермерчилик ва ёлланма ишчилар бозорининг ривожланиши хизмат қилди. 1970 йилларда ва айниқса 1980 йилларда, Финляндия аҳолисининг камбағал қатламлари учун умумий фаровонлик давлати моделини куриш, бу тозаликка риоя қилиш ва сил касаллиги билан курашиш учун

антибиотиклардан фойдаланиш сингари бир хил маънога эга эди. Яшаш даражаси бутун жамиятда кўтарилид, лекин кам таъминланганлар яхши таъминланганлардан кўра кўпроқ нарсага эга бўлдилар: даромадлар ўртасидаги фарқ анча камайди. Даромадларнинг умумий тақсимланиши ва хизматларнинг ҳаммага тегишлилиги, 1990 йилларнинг бошига келиб камбағаллик муаммосини бутунлай бартараф этди.

Камбағаллик билан курашишда ишсизлик, касаллик ва кексалик каби турли хилдаги ижтимоий хавф-хатарлардан ижтимоий суғурта қилишни кенг кўламда ривожлантиришнинг бошланиши, камбағалликни бартараф этишдаги ижтимоий инновация бўлиб хизмат қилди.

Финляндиянинг камбағалликка қарши курашидаги иккинчи муҳим омил, бу гендер тенглигига кўмаклашувчи оиласиий сиёsat ва меҳнат сиёsatидир. Ота-оналар учун имтиёзлар ва айниқса, давлат мактабгача таълим муассасаларининг ривожланиши, меҳнат фаолиятига аёлларнинг қатнашишига кўмаклашишини таъминлади. Оналарда ҳам тўлиқ иш куни давомида меҳнат қилиш имкониятининг пайдо бўлиши, Финляндиянинг ўзига хос хусусияти бўлиб қолди. Кам таъминланган ва болалари бор оиласиар ҳам, оиласида битта бокувчи ўрнига иккитаси пайдо бўлганда камбағалликдан қутулишга муваффақ бўлдилар.

Юқорида келтирилган хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, камбағалликни камайтиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуидагиларни келтириб ўтиш ўринлидир:

- аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш, иқтисодий билим ва кўникмаларини янада кенгайтириш;
- аҳолини кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг жалб қилиш, эркин рақобат муҳитини яратиш, хусусий мулкчиликни ҳимоя қилиш;
- банк тизимидағи ислоҳотларни жадаллаштириш, хусусан имтиёзли кредитлар салмоғини ошириш;
- саноат тармоқларида кооперацияни ривожлантириш ва тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқариш яхлит занжирини яратиш;
- экспорт салоҳиятини ошириш, экспортёр корхоналарга кўмаклашиш фаолиятини жадаллаштириш ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, белгиланган устувор йўналишлар бўйича комплекс чора-тадбирларни сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши натижасида, жаҳон иқтисодиётида глобал инқирознинг тобора чукурлашиб бориши шароитида миллий иқтисодиётимизни жорий йил якунлари бўйича барқарор ўсишини таъминланишига ва кейинги йилларда ҳам иқтисодий ўсиш суръатларини янада жадаллашиб боришига замин яратилади. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизда камбағалликни камайтириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни ҳам камраб олади.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент, 2020 йил 25 январь. <https://aza.uz/oz/politic>
2. X.Асадов. Ўзбекистонда камбағаллик ва уни қисқартиший түллари. Янги Ўзбекистон газетаси 110-сон, 2020 йил 18 июнь.
3. Илкка Тайпале таҳрири остида. Финляндиянинг 100 та ижтимоий инновацияси (тўплам). Хейкки Хииламо, Хельсинки университетининг ижтимоий сиёсат профессори. Камбағаллик билан кураш. “Шарқ” нашириёт-матбаа АҚ бош таҳририяти. Тошкент, 2019 йил.
4. Adashalievich, B. M. (2019). Socioeconomic importance of sustainable farming development. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 9(7), 76-82.
5. Бекмирзаев, М. А., & Иномов, Ж. Г. (2016). Развитие сельского хозяйства в Республике Узбекистан и результаты его реформирования. In *СОВРЕМЕННОЕ ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ ПРИРОДНОЙ СРЕДЫ И НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РАЦИОНАЛЬНОГО ПРИРОДОПОЛЬЗОВАНИЯ* (pp. 3615-3618).
6. Mahkamov, I., Bekmirzayev, M., & Madaminjonov, O. (2019). PRODUCTION OF FOOD AND VEGETABLE PRODUCTS AND DEVELOPMENT OF RECYCLING. *Central Asian Problems of Modern Science and Education*, 3(4), 123-128.
7. Maxkamov, I., Bekmirzayev, M., & Madaminjonov, O. (2019). Prospects for the development of growing and processing of fruit and vegetable products. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(1), 92-97.
8. Бекмирзаев, М. А., & Иномов, Ж. Г. (2016). ОБЕСПЕЧЕНИЕ РЕСУРСАМИ АГРОПРОМЫШЛЕННОГО КОМПЛЕКСА В УСЛОВИЯХ МОДЕРНИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ. In *ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ МОЛОДЫХ УЧЁНЫХ АГРАРИЕВ* (pp. 1115-1118).
9. М. Бекмирзаев. (2022). Тадбиркорликни ривожлантириш асосида камбағаллик даражасини камайтириш йўналишлари. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/2105>
10. Adashalievich, B. M. (2022). Specific Features of Innovative Development of Private Entrepreneurship in the Context of Digitalization of the Economy. *European Scholar Journal*, 3(2), 88-93.
11. Adashaliyevich, B. M., & O'g'li, I. M. (2022). Promoting sustainable development of small business. *Asian Journal of Research in Business Economics and Management*, 12(4), 5-9.
12. Бекмирзаев, М. А., & Холиков, Ж. Т. У. (2022). ВАЖНОСТЬ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН. In *Colloquium-journal* (No. 4 (127), pp. 18-21). Голопристанський міськрайонний центр зайнятості.

13. Бекмирзаев, М. А. (2021). Перспективы устойчивого экономического развития субъектов агробизнеса. *Научно образовательный электронный журнал “Образование и наука в XXI веке”*. ООО “Моя профессиональная карьера”, 746-754.
14. Adashaliyevich, B. M. (2021). Development of Agricultural Infrastructure and Material Logistics Support of Farms. *Journal of Economics, Finance and Management Studies*, 1762-1766.
15. Bekmirzayev, M. A. (1788). Ensuring stability of agriculture based on the development of the farm economy of the republic of Uzbekistan. *Indo-Asian Journal of Multidisciplinary Research (IAJMR)*. pg, 1793.
16. BEKMIRZAYEV, M. Distinctive features of sustainable farming development. In *ORGINIZED BY GLOBAL RESEARCh NETWORK" LLC AND IDEAS LAB//International conference on sustainable development and economics*. pg (pp. 154-158).
17. Бекмирзаев, М., Иномов, Ж., & Таджиев, А. (2017). Реформирование сельского хозяйства в Республике Узбекистан.
18. Бекмирзаев, М. (2012, July). Проблемы стабильного развития фермерских хозяйств в Узбекистане и пути их решения. In *Десятые Ознобишинские чтения: Сборник материалов Международной научнопрактической конференции, Российская Федерация, Изна-Самара: ПГСПА* (pp. 4-5).
19. Бекмирзаев, М. А. (2022, June). ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИДА ИННОВАЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. In *Conference Zone* (pp. 158-162).
20. Adashaliyevich, B. M. The econometric analysis and forecast of factors of sustainable economic development of agribusiness entities. *International Journal of Trend in Scientific Research and Development (IJTSRD) Volume*, 6, 351-357.
21. Бекмирзаев, М. А. Этапы устойчивого развития фермерских хозяйств.“. *Zamonaviy ta ‘lim tizimini rivojlantirish va unga qaratilgan kreativ g ‘oyalar, takliflar va yechimlar” mavzusidagi*, 118-120.
22. Бекмирзаев, М. А. Анасов Абдурауф Аъзамхон угли, Юлчибаев Бекмурод Дилшодбек угли. In *Фактор устойчивого развития сельского хозяйства. Международная научно-практическая конференция «Инновационные подходы в современной науке»*. РУДН (Vol. 4, pp. 64-69).
23. Adashaliyeva, M., Bekmirzayev, M., & Bekmirzayeva, O. (2022). TRAINING OF QUALIFIED SPECIALISTS IS A CHALLENGING PROBLEM. Международный научный журнал «Научный импульс». № 3 (100), часть 1. Октябрь.
24. Adashaliyevich, B. M. (2022, November). MODELING AND FORECASTING SUSTAINABLE ECONOMIC DEVELOPMENT OF AGRIBUSINESS ENTITIES. In *Conference Zone* (pp. 272-283).
25. Маткаримов, К., Маҳкамов, И., & Бекмирзаев, М. (2016). Ўзбекистонда озиқовқат хавфсизлигини таъминлашда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг истиқболи. *Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали*, (6).

26. Matkarimov, K., Mahkamov, I., & Bekmirzaev, M. (2016). Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфизлигини таъминлашда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг истиқболи. *Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar*, (6), 416-421.
27. Axmadjanovna, B. O. (2022, November). BOLALAR NUTQINING RIVOJLANISHIDA LOGOPEDIK O‘YINLARNING AHAMIYATI. In *Conference Zone* (pp. 311-314).
28. Abduolimova, L., & Bekmirzaeva, O. (2021). Iskhokhon Tura Dzhunaidullo-Khoja oglu Ibrat and its scientific and historical heritage. *Молодой ученый*, (21), 375-378.
29. Axmadjanovna, B. O. (2022, December). PROSPECTS OF INCLUSIVE EDUCATION. In *Conference Zone* (pp. 272-277).
30. Mirzoxid, B., Onaxon, B., & Mexribonu, A. (2023). USE OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN IMPROVING THE QUALITY OF EDUCATION. *Новости образования: исследование в XXI веке*, 1(6), 1013-1018.
31. Mirzoxid, B., Onaxon, B., & Mexribonu, A. USE OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN IMPROVING THE QUALITY OF EDUCATION.
32. Adashaliyevich, B. M. (2023). THEORETICAL BASIS OF AGROLOGISTIC SUPPLY.